



O'zbekiston, Toshkent shahar, Yusuf Xos Xojib ko'chasi, 76 uy.  
Tel.: (99871) 215-53-02, Faks: (99871) 230-22-15

« 01 » mart 2019 y.

03-02/1-633 - sonli

13/03-20-96  
8 04 09

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасининг депутаты  
А.Тумишовага

Сизнинг 2019 йил 13 мартдаги  
13/03-20-96-сонли сўровингиз юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилда 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон “Ўзбекистон Республикаси 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2019 йил давлат дастурига Республика бўйича 447 та мактабгача таълим муассасаси киритилган. Ушбу объектлардан 53 таси бугунги кунда фаолият юритмаётган мактабгача таълим муассасаларини ташкил этади.

Бугунги кунда, Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисида”ги ПҚ-3822-сон қарорига асосан 12 та мактабгача таълим муассасаларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилда 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сон қарорига асосан тасдиқланган 2019 йил давлат дастурига асосан 17 та мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Республика ишчи гуруҳи томонидан Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясига асосан келгуси йилларда мавжуд бўлган барча мактабгача таълим муассасалари, шунингдек, аҳолининг мактабгача таълимга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқилиб, мослаштирилган ҳамда фойдаланилмасдан бўш турган мактабгача таълим муассасалари биноларини ҳам 2030 йилгача босқичма-босқич реконструкция қилиш, 190 та янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш режалаштирилганлигини маълум қиламиз.

Юқорилардан келиб чиқиб, Навоий вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолати ва мавжуд эҳтиёж ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилиши ҳамда ўрганиш натижасига кўра, мактабгача таълим муассасалари капитал реконструкция қилиниши ҳамда янги мактабгача таълим муассасалари қурилишини маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари

М.Юлдашев